



ОИЛА ВА ГЕНДЕР
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ МУҲИТИ

М.ҚУРОНОВ,
Х.АБДУРАМАНОВ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент-2025



ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ МУҲИТИ



**M.QURONOV,
X.ABDURAMANOV
USLUBIY QO‘LLANMA**



ТОШКЕНТ-2025

М.Қуронов, Х.Абдураманов

Оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити [Матн] : услубий қўлланма / М.Қуронов, Х.Абдураманов, Н.Далимова - Тошкент: “Маҳалла ва оила” нашриёти, 2025. - 40 б.

Масъул муҳаррир:

Н.Эгамбердиева - “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Содиқова Ш. М. - Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, социология фанлари доктори

Норқулов Х. - Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти катта илмий-ходими, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ушбу мўъжаз китобчада бугунги ёш оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий маънавий муҳитни яратиш ҳақида сўз боради. Ушбу мақсадда муаллифлар ёш ота ва оналар билан дилдан суҳбат қуришни ният қилишган.

Қўлланмада оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити, носоғлом маънавий-ахлоқий муҳит, оилавий муҳитни яхшилаш йўллари, оилада нохуш воқеалар ва жиноят-чиликнинг олдини олиш, оилада маънавий-ахлоқий тарбия, оилани бирлаштирувчи фазилатлар, оилада меҳр-оқибат муҳитини яратиш масалалари ёритилган.

Қўлланма Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тизими ходимлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ота-оналар, қолаверса кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Услубий қўлланма Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2025-йил ___-февралдаги __-сонли баённомасига мовофиқ ҳолда нашрга тавсия этилган.

© Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, 2025

© “Маҳалла ва оила” нашриёти, 2025



КИРИШ

Оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити оиладаги ҳамма яйраб яшайдиган маънавий “об-ҳаво” ҳудуди. Бу - оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ҳамма учун азиз бўлган қадриятлар, анъаналар, воқеалар, ёдгорликлар, ўзаро муносабат нормалари соғлом, ҳамма учун мақбул бўлган қулай шароитдир.

Оиланинг асосий вазифаси унинг барча аъзоларини қўллаб-қувватлаш, севги, ишонч, ишончлилик ҳисси бахш этиш, ҳар қандай қийин вазиятда бир-бирига ёрдам беришдир. Туйғулар орқали оила аъзолари атрофдаги дунёни идрок этадилар, шунинг учун айтишимиз мумкинки, оиладаги иқлим одамнинг ҳаётдан рози ёки норозилигига бевосита таъсир қилади. Соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ҳам, носоғлом муҳит ҳам бор.

Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит, қандай бўлади? Ҳар бир оила аъзоси уйга шошади, уйга қайтаётганидан эса хурсанд бўлади. Уйдагиларни, қариндошларини севади. Улар билан бирга кўп вақт ўтказишни хоҳлайди. Бундай оилада қайғу ва қийинчиликларга доц. бериш осон. Ҳамма очиққўнгил ва муваффақиятли, чунки бир-бирига кўмаклашади.

Маънавий-ахлоқий муҳити носоғлом оила аъзолари ўртасида келиш-мовчиликлар кўп бўлади. Улар доим ташвишли ва безовта, бир-бирларига ишонишмайди. Бир-бирларига ҳамдард бўлишмайди, кўпинча жанжаллашишади. Бир-бирлари билан келишмайди, ҳамма учун мақбул ечимни топа олишмайди. Бундай оиланинг аъзоси бирор муаммога дуч келса, кўпинча унга кўпинча оила, қариндошлари эмас, балки бегоналар ёрдам беришади.

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти олимлари ва докторантлари маҳаллаларда аҳоли билан суҳбатлар ўтказиш асносида бугунги кунда оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити бўйича ёш оилалар кўп дуч келаётган олти саволни аниқладилар. Биз қуйида ана шу олти саволни ўртага ташлаб, уларга илмий тадқиқотлар асосида қуйида жавоб беришни мақсад қилиб қўйдик.

Марҳамат, суҳбатимизга хуш келибсиз.

1. ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТИ НИМА?



Оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ҳамма учун азиз бўлган қадриятлар, анъаналар, воқеалар, ёдгорликлар, ўзаро муносабат нормалари соғлом, барча учун мақбул бўлган қулай шароитдир.



Оиланинг энг яхши маънавий-ахлоқий муҳити бу - ёлғон кирмаган, бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳит. Ҳатто энг кичик ёшлилиларга ҳам ўз фикрини билдириш имконияти берилган оила.

Албатта, бу оила аъзоларининг шахсияти, тафаккури ва хулқ-атвориға ижобий таъсир кўрсатади. Бундай оилаларнинг болалари бошқалар билан осон, енгил, зўриқишларсиз мулоқот қилишади, ҳис-туйғуларини баҳам кўришади, хато қилишдан қўрқишмайди. Улар оилани дўстона, фойдали ва қизиқарли муҳит деб билишади. Катталар янги билимларга интилишади, бошқаларга ёрдам беришади, бир-бирларининг иш ва ўқишларидан, эришаётган натижаларидан хабардор бўлишади.



МУНДАРИЖА

Кириш	3
1. Оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити нима?.....	4
2. Оиланинг носоғлом маънавий-ахлоқий муҳити.....	13
3. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия	16
4. Оилани бирлаштирувчи фазилатлар.....	22
5. Оилада меҳр-оқибат муҳитини яратиш	27
6. Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш йўллари	34
Хулоса	38

ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ МУҲИТИ



М.ҚУРОНОВ, Х.АБДУРАМАНОВ

**“Маҳалла ва оила” нашриёти
Тошкент - 2025**

Нашр учун масъул: **Б. Мавлонов**
Муҳаррир: **У. Юнусов**
Бадий муҳаррир: **Ф. Собиров**
Саҳифаловчи: **Л. Абдуллаев**

Нашриёт рўйхат рақами № 1043191. 24.09.2021-й.
Босишга рухсат этилди: 7.02.2025-й.
“Мозер” гарнитураси. Қоғоз бичими: 70x100 1/16
Нашриёт босма табағи 1,4.
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
М.Исмоилий кўчаси, 1-Г уй.

ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ МУҲИТИ



Нашриёт рўйхат рақами № 1043191. 24.09.2021-й.
Босишга рухсат этилди: 15.01.2025-й.
“Мозер” гарнитураси. Қоғоз бичими: 70x100 1/16
Нашриёт босма табағи 1,2.
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
М.Исмоилий кўчаси, 1-Г уй.

